
Ичимлик суви тармоғи тортилмоқда

Тошлоқ тумани ҳоқими Абдуқаҳҳор Джурабаев кунлик иш режасига асосан туман "Сувтаъминот" МЧЖ томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ҳозирда корхона томонидан Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғини Барокат кўчасида эса 300 метр ичимлик суви тармоғи тортилмоқда. Бу билан ҳудуддаги 100 га яқин хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланади. Туман ҳоқими олиб борилаётган ишларни ўрганиб, соҳа мутахассисларига ишни тез ва сифатли якунлаш бўйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, туман ҳоқими кўчадаги хонадон вакиллари билан учрашиб, яқин кунларда ичимлик суви муаммоси бартараф этилиши, шундан сўнг электр таъминоти, ички йўлларни асфальтлаштириш масалаларида ҳудудда олиб бориладиган амалий ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берди.

2020-11-19 22:07:03